

Уйда қолинг!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
20 май

ЧОРШАНБА
№ 34 (13295)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ангрэн ЭИЗ: КАРАНТИН ШАРОИТИДА ҲАМ КОРХОНАЛАР ТЎЛА ҚУВВАТДА ИШЛАМОҚДА



Бугун Ангрэн эркин иқтисодий зонасида ўнлаб йирик корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Улар орасида "Hilton trade" компания ўз маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорда яхшигина мавқега эга. Корхонада иқтисодиётнинг турли соҳаларида катта талабга эга бўлган фомакс, махсус шиша, акрил ва баннер матолари ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши, ҳудудда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун "Жисмоний тарбия ва спорт вълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Вилоят ҳокими топшириғи билан ҳоким ўринбосари Акмал Умаралиев раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳ томонидан туман ва шаҳарлардаги ижтимоий соҳалар, маънавий-маърифий ишларнинг аҳоли ўрганилмоқда. Урганишлар жараёнида ечимини кутаётган кўплаб муаммолар секторлар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликлар бартараф этилмоқда.

Вилоятимизда иш билан таъминланиши лозим бўлган 68 минг 274 нафар фуқародан 38 минг 37 нафарнинг бандлиги таъминланди.

Ангрэн шаҳридаги "Тулбоғ" маҳалласида истиқомат қилувчи Аъзамжон ва Гулнораҳон Исмоиловлар оиласи "Ибратли оила" кўрик-танлови ғолиби бўлишди.

Ўрта чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси балансида бўлган "Оптиўғил" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган "Туябўғиз" кишлоқ врачлик пункти биноси манзилли дастурга киритилган эди. Яқинда 100 қатновли янги поликлиника биноси қуриб битказилди. Поликлиника "Нурафшон махсус дизайн қурилиш" масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 3 млрд. 9 млн. сўмлик маблағ ҳисобига янгидан барпо этилди.

Бўка туманидаги "Бўка" маҳалласи ҳудудда жойлашган 77 гектардан зиёд ер майдонлари ишсиз юрган, кам таъминланган ёшларга бўлиб берилган эди. Бугунги кунда далаalarda иш қизгин. Ёшлар ўзларига ажратилган ер майдонларига турли экинлар экишмоқда.

Янгийўл туманидаги "Чортоқ" маҳалласида кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган хонадонларга саховатли тадбиркорлар томонидан бир бошдан қўй тарқатилди. Шунингдек, дори-дармонга муҳтож оилаларга 1 млн. 200 минг сўмдан пул берилди.

— Фаолиятимизни бошлаганимиздаёқ олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз, — дейди корхона раҳбари Исомиддин Бўриев. — Хориждан олиб келиниб, ўрнатилган энг замонавий ускуналар ёрдамида ишлаб чиқариш қувватини кун сайин ошираялмиш. Масалан, биз ишлаб чиқарадиган акрил маҳсулоти ёруғликни юқори даражада (92 фоиз) ўтказди, ташқи зарбаларга бардошлилиги шишадан беш баробар юқори, узоқ йиллар табиий тиниқлигини сақлаб қолади, намликка ўта чидамли. Бу маҳсулот биноларнинг ташқи безак ишлари учун жуда мос келади. Шунингдек, ундан денгиз яхталари, турли ҳажмдаги аквариумлар ясашда кенг фойдаланилади. Ҳар қандай об-ҳавога дош бера оладиган фомакс (пластмасса) маҳсулотини эса ташқи реклама

баннерлари, бассейн ва фаввораларни безатишда қўллаш мумкин. Корхонада 40 дан зиёд ишчилар қатъий график асосида меҳнат қилишади. Бу ерда ҳар бир дақиқа ҳисобда. Ҳодимлар ҳозирги карантин даврида ҳам санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда юқори унум билан ишлашмоқда. Ишчиларга бепул тушлик берилади, ҳар кун эрталаб тиббий ниқоб ва кўзқоплар тарқатилади. — Республикаимизнинг турли ҳудудларида корхонамиз бренди билан юритиладиган дўконларимиз ишлаб турибди, — дейди бош мутахассис Шухрат Одилов. — Келажақда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар билан Ўрта Осиё бозорларини эгалламоқчимиз. Ҳозирда маҳсулотларимизни Тожикистон,



Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларига экспорт қилаялмиш.

Кумуш САЛОМОВА / Тошкент ҳақиқати /

МАЪЛУМОТИНГИЗ "ЎРТА МАХСУС"МИ?

Очиги, ўрта махсус маълумотда қолиб кетиш бугунги кунда мақтарли даражада маъно касб этмайди. Ундаги таълимнинг ваколатларни афзалликларидан ҳеч ким сўзламай қўйди. Ҳатто, "Ўрта махсусмисан, ҳеч вақони билмайсан-ку, ўрнингни олий маълумотлиларга бўшатиб қўй", каби дашномларга учраганлар ҳақида ҳам эшитганмиз. Аммо...

Жорий йилда профессионал таълим тизимига оид Президент фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади. Мазкур таълим муассасаларида 9 мингта яқин касблар бўйича кадрлар тайёрланиши кўзда тутилган. Жумладан, Тошкент вилоятида 35 та касб-хунар мактаби, 14 та коллеж ва 9 та техникум ўз фаолиятини бошлади.

Хунар мактабларида умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан икки йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурлари асосида кадрлар тайёрланади. Ўқувчилар давлат бюджети ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорда ойлик стипендия ҳамда уч маҳал оват билан таъминланади ёки оват пули тўлаб берилиши ҳам

Долзарб мавзу

мумкин. Кадрлар тайёрлаш харажатлари давлат бюджетни ҳисобидан амалга оширилади. Коллежларда эса кадрлар халқаро таснифлагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини таснифлаган, камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан касблар ва мутахассисликларнинг муржабидиган келиб чиққан ҳолда икки йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида тайёрланади. Харажатлар ва зирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағи, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағ ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

(Давоми 3-саҳифада)



Мавсум

Меҳмон йўқ, мезбон хайрон...

2020 йил дунё ҳамжамият учун жуда оғир келди. Миллат, давлат ва ирқ танламас касаллик — коронавирус балоси минглаб одамларнинг ҳаётига хавф солиш билан бирга, энг бой мамлакатларнинг ҳам иқтисодий инқирозга учрашига сабаб бўлмоқда. Оқибатда кўплаб соҳалар ривожни тўхтаб қолиб, катта зарар кўрмоқда. Бу борада туризм рўйхатининг энг бошида турибди.

Маълумки, сайёҳлик жаҳон иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. 2019 йил якунлари бўйича олинган маълумотларга кўра, соҳадан келадиган йиллик даромад 5,7 триллион долларни ташкил этган. Қолаверса, деярли 330 миллион киши ёки дунёдаги иш билан банд инсонларнинг деярли 10 фоизи туризм секторини ишлайди. Дабдурустан инсоният бошига келган коронавирус пандемияси сабабли, чегараларнинг ёпили-

ДАРОМАДНИНГ БАРАКАСИ БУГУНГИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

Вилоятимизда ипак қурти боқишнинг ҳадисини пухта ўзлаштирган оилалар талайгина. Улар оддий шароитда ҳам ҳар қурти ипак қуртидан ўртача 55 килограммдан ортиқ сифатли ҳосил етиштири олишади.

Хабарингиз бор, сўнгги йилларда мамлакатимизда пиллачилиқни жадал ривожлантириш, соҳага инновацияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан

қабул қилинаётган тегишли қарорлар соҳа ривожига муҳим дастурлар амал бўлаёпти. Айниқса, касана-чилар даромад солиғи тўлашдан озод қилинган, уларнинг мавсумда қилган меҳнати бир йиллик стаж-

га ҳисобланиши пиллакорларни руҳлантириб юборди. Таъкидлаш жоизки, қўрилаётган чора-тадбирлар бесамар кетмаяпти. Жумладан, вилоятимиз пиллакорлари ўтган йили салмоқли ютуқларга эришишди. Жорий йилда ҳам катта хирмон кўтариш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Ички туризм



(Давоми 4-саҳифада)

"Тошкент агропилла" масъулияти чекланган жамияти берган маълумотларга кўра, вилоятимизда жорий йилги пилла мавсумида жами 25 минг 980 қути, шундан биринчи мавсумда 20 минг 784 қути ва иккинчи мавсумда 5 минг 196 қути ипак курти уруги парваришланиб, 1 минг 429 тонна пилла етиштириш режалаштирилган.

Жорий йилги мавсумда жами 25 минг 980 қути ипак курти уруги инкубаторларга жонлантириш учун қўйилган бўлиб, шундан 24 минг 780 қутиси хоржий, 1 минг 200 қутисини маҳаллий ипак курти уруглари ташкил этади.

— Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди "Тошкент агропилла" МЧЖ бош агрономи Анвар Ахунов. — Жумладан, 3 минг 253 та фермер хўжалиги ва 2 минг 589 нафар касаначи билан шартномалар тузилди. Ипак қуртларини 85 та инкубаторда жонлантириб, 25 апрелдан тарқатишни бошлаганмиз. Пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан жонланган ипак қурти уругларини парваришлаш учун зарурий инвентар жиҳозлар (формалин, тўшама қоғоз, термометр) етказиб берилди. Бундан ташқари, иш жараёнини назорат қилиб туриш учун 186 нафар ходим (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ҳамда 115 нафар пиллачилик агрономлари танлаб олинган. Бугунги кунда босқичма-босқич боқилаётган ипак қуртларининг ёши турлича бўлиб, Чиноз, Бекобод, Бўжа, Оққўрғон, Пискент туманларида 25 майдан бошлаб етиштирилган дастлабки пиллалар қабул қилинади.

тут қаторлари мавжуд бўлиб, бу барча ҳудудлар ва пилла боқиш звеноларини озуқа базаси билан тўлиқ таъминлаш имконини беради.

Бундан ташқари, бу йил пиллачилик озуқа базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида мавжуд тутзорлар ва

ҳозирда эскирган ва яроқсиз ҳолдаги 468 гектар тутзорлар реконструкция қилинмоқда.

ЎТТИЗ МИНГ ДАН ОРТИҚ ИШ ҲАҚИДА

Вилоятимизда жами 5 та яъни, "Равнақ силк", "Ту-

нидан касаначи ва қурт боқувчиларга аванс тариқасида жами 2 млрд. 471 млн. сўм миқдордаги ун, ёғ ва пул маблағлари тарқатилди. Айрим туманларда пиллани қайта ишлаш корхоналари ва қурт боқувчи касаначиларнинг ўзаро келишувига асосан тарози бошида аванс бериш режага киритилган. Қувонарлиси, мавсумда жами 30 минг 644 киши ишли бўлди.

Чиноз туманидаги "Уринбой хожи ота" фермер хўжалигининг пиллаҳонасида миз. Бу ерда 20 қути ипак курти боқилмоқда. Митти жонзорларни 6 нафар тажрибали пиллакор парваришмоқда.

— Ипак курти парвариши мураккаб жараён, — дейди Мархабо Ибрагимов. — Агар озгина эътиборсизлик қилинса, улар нобуд бўлиши мумкин. Аммо, қийинлигига қарамай, бор меҳримизни бериб ишлаяпмиз. Қолаверса, уйда бекор ўтирмаймиз, даромад топамиз.

Хуллас, ҳозирча ишлар жойида. Натيجани эса, мавсум якунида, яъни "ғалвир сувдан кўтарилганда" қура-миз...

Зухриддин РАҲМОНОВ
/ Тошкент ҳақиқати /
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар



ОЗУҚАДАН МУАММО БЎЛМАЙДИ

Маълумки, сифатли пилла етиштириш учун яхши озуқа керак. Вилоятимизда бу муаммони ҳал этиш, қурт боқувчиларга енгиллик яратиш борасида кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоятда 3 минг 597 гектар тутзорлар ва 3 млн. 973 минг дона

якка қатор тут дараклари хатосига жами 1 млн. 422 минг дона тут кўчатлари экилди. Шунингдек, янги замонавий тутзорлар барпо этиш мақсадида жами 1 минг 400 гектар ер майдони ажратилиши режалаштирилган. Шундан биринчи чорак учун ажратилган ер майдонлари 350 гектарни ташкил этади. Қолган 1 минг 50 гектар ер майдони кузда ажратилиши белгиланган. Дарвоқе,

рон силк", "Jinju Silk Co", "Био Фарм Элит", "Wuzibieke sunfeel silk development LTD" масъулияти чекланган жамият шаклидаги пиллани қайта ишлаш корхоналари фаолият юритади. Мазкур корхоналарга 11 та пилла етиштирадиган туманлар бириктирилган.

Пиллакорларни рағбатлантириш ва моддий манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида корхоналар томо-

Уйда қолинг!

Тўракул АРЗИҚУЛОВ,
Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:



Сир эмас, бугунги кунда бутун дунё, инсоният мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўрилмоқда. Диагностика, даволаш, карантин ишлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари ҳамда илғор хорижий тажрибаларга таяниб амалга ошириляпти. Бу каби тизимли чора-тадбирлар, албатта, ўз натижасини бермоқда. Айниқса, мазкур жараёнда чинакам жасорат ва матонат кўрсатаётган жонқуяр тиббиёт ходимлари, ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан аҳоли тинчлиги ва осо-

йишталлигини таъминлаш йўлида ўз хизмат бурчини виждонан бажариб келаётган ҳуқуқ-тартибот идораларининг фидойи ходимларига ҳар қанча ташаккурлар айтсак кам.

ЯХШИ КУНЛАР ЯҚИН, ИШОНИНГ...

Коронавирус пандемияси кўп мамлакатлар, ҳамжамиятлар, оддий ва масъул одамлар олдида қатор саволлар қўйди. Фавқуллода вазиятларга тайёргарлик даражасини синовдан ўтказди ва ўтказмоқда. Қаранг, дунёда иқтисодий жиҳатдан энг бақувват саналган АҚШда оддий тиббий ниқоб ва кўлқоплар етишмаслиги, махсус шиғохоналарга эҳтиёж катталиги маълум бўлди. Эндиликда эса касалликка чалиниш бўйича биринчи ўринга чиқиб олди. Шунингдек, Европанинг Италия, Испания каби давлатлари ҳам бу синовда кўп қурбонлар бераётди. Кўп мамлакатлар ўзи аъзо бўлган Европа Иттифоқидан керакли вақтда зарур ёрдамни ололмаганидан ҳафсаласи пир бўляпти.



Кувонарлиси, республикамиз раҳбарияти хавф-хатарнинг жиддийлигини тезда англаб, дарҳол фавқуллода, қатъий чора-тадбирлар қўришга киришди. Президентимиз катъият, тежорлик, топқирлик кўрсатиб, коронавирусга қарши курашиш бўйича салмоқли фармон ва қарорлар қабул қилди. Бош вазир раҳбарлигида ҳуқуқат комиссияси тузилди, вазирлик, ташкилот, муассасалар бу ишга жалб этилди, триллионлаб маб-

лағлар ажратилди. Бу саъй-ҳаракатларни халқимиз қўриб, билиб, жаҳон афкор оммаси эътироф этиб турибди. Шундай мураккаб паллада ҳаётини хавфга қўйиб, кечаю кундуз тиним билмай ишлаётган шиғохорлар ҳам рағбатлантирилмоқда. Батамом соғайганларнинг қувончдан йиғлаб, чексиз раҳмат айтаётгани, оқ либосга бурканган халоскорларнинг кўзларида ёш қалқиганини кўрган ҳар қандай дийдаси қаттиқ одамнинг ҳам кўнгли бўшаб кетади.

Президентимиз ҳаммамиз бирлашиб, ҳамжиҳат бўлиб курашсак, темир интизомга қатъий риоя қилсак, балони жеповласак, сўзсиз ғалаба қозонамиз, дея қайта-қайта таъкидлаяпти. Бу қаҳриқча кўлоқ тутиб, белгиланган қатъий тартиб-интизомга сўзсиз риоя қилсак, ҳадемай чекловлар бекор қилинади.

Ҳозирча эса карантинга амал қилайлик! Коронавирусни енгишда, тежорқ бартараф қилишда фидойи инсонларга уйда қолиб ёрдам берайлик!

ЕТТИ ЮЗДАН ОРТИҚ ТАДБИРКОРГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛДИ

Хабарингиз бор, мамлакатимизда карантин эълон қилинганidan сўнг катта ва кичик тадбиркорлик субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аксарияти фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Бу, албатта, корхоналарни иқтисодий инқирозга олиб келиши мумкин. Мазкур оғир вазиятда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тизимли ишлар олиб берилмоқда. Жумладан, солиқ имтиёзларининг жорий этилаётгани уларга яхшигина имконият бермоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 3 апрелда қабул қилинган "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқла-

ри ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан тадбиркорлик субъектларига солиқларни фойсиз кечкиртириш (булиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқини бериш белгиланди.

— Утган вақт давомида вилоятимизнинг солиқ органларига солиқ тўловларини узайтириш юзасидан 328 та ариза келиб тушди, — дейди

Дарвоқе Мактаблар таъмири учун пул йиғиладими?

Яна санокли кунлардан кейин жорий ўқув йили якунланади. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ карантин жорий этилгани сабабли, бу йил ёғи таътил давомида ўқувчиларни оромгоҳлар, соғломлаштириш масканларида дам олишларини ташкил этиш борасида ҳарқандай гап-сўзлар йўқ.

Вазият ноодатийлигига қарамай, мактаблар таъмирияти бино ва синф хоналарини кейинги ўқув йилига тайёрлашни бошлаш табиий.

— Мактаб ва синф хоналарини таъмирлаш ишлари ихтиёрий равишда амалга оширилиши керак, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Абдукамол Мамадалиев. — Жойларда мактабларнинг моддий-техник аҳоли қандай эканлигини ота-оналар яхши билишади. Бироқ, ҳозирги пандемия шароитида, кўпчилик иқтисодий қийинчиликни бошидан ўтказаятган бир пайтда, ота-оналардан мажбурий пул йиғишларга чек қўйиш керак. Агарда кимдир ўз ихтиёри билан фарзандининг ўқишига қўшимча шароит яратмоқчи, мактабга қандайдир ёрдам бермоқчи ёки таъмирлаш ишларида кўмаклашмоқчи бўлса, бунга монелик кўрсатилмайд.

Халқ таълими вазирлигининг расмий каналида маълум қилинишича, кейинги ўқув йилидан аксарият мактабларда юқори синф ўқувчилари ҳам бошланғич синф ўқувчиларига ўшаб, ўз синф хоналарида ўқишлари режалаштириляпти (аввалгидек синфма-синф юрмасдан). Бу нафақат синфни таъмирлаш учун кўрсатилган



ёрдамни тўғри йўналтирилишини, балки кейинчалик ўқувчиларнинг ўз синфлари ҳолатини яхши сақлашларини таъминлайди.

Бундан ташқари, мактаблар турли корхона, собиқ битирувчилар, ўқувчиларнинг ота-оналаридан иборат ҳомийларни жалб қилган ҳолда қўшимча маблағ топиши мумкин. Ҳомийлик ихтиёрий тарзда ва қонуний ташкил этилиши лозим. Яъни, пул маблағлари мактаб ҳисобига тушиши ва маблағни сарфланиши буйича маълумот олиш учун шароит яратилиши керак.

Ҳозирги кунда мактабларда Кузатув кенгашлари фаолият юритмоқда. Унга ўқувчиларнинг ота-оналари, собиқ битирувчилар, ўқитувчи ва бошқалар сайланиши мумкин. Кузатув кенгаши аъзолари бюджетдан ажратилган ҳамда қўшимча ишлаб топишган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини назорат қилиш ваколатига эга.

Азиза ҲУСАНОВА
/ Тошкент ҳақиқати /

МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА

Оққўрғон ОВОЗИ

Баҳор "кумуш тола" ижодкорлари учун дозарб палла. Биргина Оққўрғон туманида бу йилги мавсумда 143 минг килограмм пилла етиштириш белгилангани пиллакорларни сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди.

Бу ҳақда "Оққўрғон овози"нинг 16-сонидаги "Пиллачилик равнақи йўлида" мақоласида баён этилади. Шунингдек, газетанинг 4-саҳифасида иқтисодий ёшлар ижодига кенг ўрин берилган.

ХАЛҚ ОВОЗИ

Бўжа тумани "Халқ овози" газетасининг 19-сонидан ҳам ранг-баранг мақолаларга бойлиги билан ўқувчи эътиборини тортади. Айниқса, "Жаннатсиз ўғил", "Совғасини ўзи ўғирлади", "Ҳаёт қадри" номли ҳаётий ҳикоялардан мутолаа завқини туйсиз.

ЮҚОРИ ЧИРЧИК ҲАЁТИ

"Юқори Чирчиқ ҳаёти" газетасининг 20-сонида берилган "Бири ой, бири кўшим" сарлавҳали мақолада пири бадавлатликда умргузаронлик қилаётган, 40 йилдан бери аҳлиқано яшаётган оила ҳақида сўз боради. "Алқасос ул-минал ҳақ"да она табиат "тилга киргани"га гувоҳ бўласиз.

БЕКОВОД ОВОЗИ

"Дастлабки пилла ҳосили терилди", дея хабар берилади "Бекобод овози"нинг 18-сонида. Газетанинг ушбу сонида туман кенгаши депутати "Озиқ-овқат хавфсизлиги — долзарб вазифа" дея огоҳликка чақирса, нафақадаги ўқитувчининг ҳасрати билан "Хурмача қилиқ ёки ЙХХ инспекторларининг антика иш услуби" мақоласида танишасиз.

Шунингдек, газетада "Тил софлиги — миллатнинг маънавий бойлиги", "Исроф неъматга ношукрликдир", "Маллабой"лик миришкорлар" каби мақолалар ҳам газетехонларни бефарқ қолдирмайди.



Саховат ва кўмак



ҲАРБИЙЛАР ҲАМ ЧЕТДА ТУРИШГАНИ ЙЎҚ

Пандемия сабаб халқимиз бошидан синовли кунларни ўтказмоқда. Шундай қийин вазиятда муҳтожларга ёрдам бериш, эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиш энг савобли амалдир. Президентимиз ташаббуси билан бошланган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати бу борадаги ишларнинг кўламини янада кенгайтирмоқда.

Эл бошига иш тушганда ҳарбийлар ҳам четда туришгани йўқ. Жумладан, Янгийўл туманида жойлашган ДХХ чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари ҳам хайрли ишга кўл урдилар. Улар Янгийўл, Зангиота, ва Чиноз туманларининг чегара ҳудудида жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббий воситалар тарқатишди.

Ҳарбийлар кирган хонадон эгалари шу синовли кунларда



уларни ёлғизлатиб қўймай, ёрдамни аямаётганларга раҳмат айтиб, дуо қилишди.

А. РАМАЗОНОВ,
ДХХ чегара қўшинлари
ҳарбий хизматчиси
Мансур ҲИММАТОВ
/ Тошкент ҳақиқати /
олган суратлар

мияти мисолида оладиган бўлсак, унга 89 млн. сўм миқдорда мазкур солиқ имтиёзи қўлланилди. Бу МЧЖнинг фаолиятини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги техникаларини мавсумга шай ҳолатга келтиришга ва ишчиларнинг ойлик маошини ўз вақтида тўлашига имкон яратди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда карантин даврида фаолиятини тўхтатган 730 та якка тартибдаги тадбиркорга 351 млн. сўм миқдордаги даромад солиғи ва 146 млн. сўмлик ихтимой солиқ буйича имтиёзлар берилди.

Зухриддин РАҲМОНОВ
/ Тошкент ҳақиқати /

ВАЗИЯТ ЎРГАНИЛДИ:

ҲОЛАТ ҚОНИҚАРЛИ

Юртимизда коронавирус пандемияси даврида ҳам инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Буни биргина Омбудсманнинг Тошкент вилояти минтақавий вакили ҳамроҳлигида вилоятдаги жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳжум ва маҳкумаларнинг

аҳоли ҳамда карантин даврида уларга яратилган шароитларни ўрганиш мақсадида ўтказилган мониторингда яққол сезиш мумкин. Ўрганиш натижалари жазони ўташ жойларида шахсий таркиб ва маҳкумлар карантин талабларига риоя этишлари учун керакли шароитлар яратилганини кўрсатди.

Шунингдек, барча маҳкумлар ва хизматчилар индивидуал тартибда тиббий текширувдан ўтказилганда, "COVID-19" билан касалланганлар аниқланмади. Қолаверса, тиббиёт бўлиmlари томонидан маҳкумлар ётоқхонаси, ошхона, саргарошхона, ювиниш хоналари, текширув майдони ва бошқа жойлар мунтазам дезинфекция қилинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, вилоятдаги колонияларда, шу жумладан, 21-сонли аёллар ҳамда 24-сонли болалар тарбия колонияларида "COVID-19" инфекцияси кириб келиши ва тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириги ижроси бўйича бир қатор ўзгаришлар жорий қилинди. Хусусан, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг яқин қариндошлари билан қисқа ва узок муддатли учрашувлар, йўқлов посилка ва хат жўнатмалари ҳамда адвокат келиши вақтинча тўхтатилиб, фақат телефон орқали сўзлашувга рухсат берилмоқда.

Шунингдек, республикамизда жорий этилган карантин даврида вилоят колонияларидаги маҳкумларнинг соғлиги доимий назорат қилинмоқда. Улар учун бадантарбия машқлари ва спорт тадбирлари ҳам ташкил этилапти. Мутахассис психологлар маҳкумлар билан индивидуал суҳбатлар, турли тренинглр ўтказишмоқда.

Бундан ташқари, ҳар бир колониянинг назорат ўтиш жойида филтрлаш тизими жорий этилган бўлиб, 1 шифокор ва 2 нафар ҳамшира томонидан контактсиз лазер термометр орқали хизматта келаётган ходимлар ҳа-

ролати текширилиб, дезинфекция қилиниб ўтказилмоқда. Шунингдек, ходимлар эпидемияга қарши ҳимоя костюми, сеқ кийим, кўзойнак, тиббий ниқоб ва қўлқоплар билан таъминланган.

21-сонли аёллар колониясида ҳам карантин қоидаларига қатъий амал қилинмоқда. Ҳукуматнинг тегишли қарорига кўра, маҳкумларга гўшт, тухум, қатиқ ва бошқа оқсилга бой маҳсулотлар берилмоқда. Тиббиёт бўлиmlида даволанаётган, ҳомиладор, диспансер назоратида турган, ёш боласи бор маҳкумлар ва уларнинг

ролати текширилиб, дезинфекция қилиниб ўтказилмоқда. Шунингдек, ходимлар эпидемияга қарши ҳимоя костюми, сеқ кийим, кўзойнак, тиббий ниқоб ва қўлқоплар билан таъминланган.

Ички ишлар вазирлиги ёрдамида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти кўмағида аёллар ва болалар колонияси тарбияланувчилари тиббий ҳимоя воситалари, кир ювиш, шахсий гигиена ва антибактериал воситалар билан таъминланмоқда.

Маълумки, тергов ҳибсхоналари ва жазони ўташ муассасаларидаги шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) томонидан Миллий превентив механизм доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ ва Тошкент вилояти ИИББ томонидан юборилаётган кўрсатмалар ижроси колониялар фаолиятига тўғри йўналтирилиб, назорат қилиб келинмоқда ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда вилоят колонияларидаги муҳим қониқарли: жазо муддатини ўтаётган маҳжум ва маҳкумларнинг кайфияти яхши, тушунлиқ ва ваҳимага тушиб ҳолатлари кузатилмади. Ўрганишлар мазкур муассасаларда пандемия даврида карантин талабларига тўлиқ риоя этилаётганини кўрсатди. Дарвоқе, Зангиота туманида жойлашган аёллар колониясидан пандемия даврида 21 нафар аёл озодликка чиқарилди.

Лазира ҒАФУРОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент вилояти бўйича Вакили Ратно ТУРДИБОЕВА, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси раиси

ва синф хоналари доимий равишда дезинфекция қилинапти. Тарбияланувчилар учун телеканаллар орқали намойиш этилаётган "онлайн" дарслар мунтазам қўйиб берилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги ёрдамида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти кўмағида аёллар ва болалар колонияси тарбияланувчилари тиббий ҳимоя воситалари, кир ювиш, шахсий гигиена ва антибактериал воситалар билан таъминланмоқда.

Маълумки, тергов ҳибсхоналари ва жазони ўташ муассасаларидаги шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) томонидан Миллий превентив механизм доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ ва Тошкент вилояти ИИББ томонидан юборилаётган кўрсатмалар ижроси колониялар фаолиятига тўғри йўналтирилиб, назорат қилиб келинмоқда ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда вилоят колонияларидаги муҳим қониқарли: жазо муддатини ўтаётган маҳжум ва маҳкумларнинг кайфияти яхши, тушунлиқ ва ваҳимага тушиб ҳолатлари кузатилмади. Ўрганишлар мазкур муассасаларда пандемия даврида карантин талабларига тўлиқ риоя этилаётганини кўрсатди. Дарвоқе, Зангиота туманида жойлашган аёллар колониясидан пандемия даврида 21 нафар аёл озодликка чиқарилди.

Лазира ҒАФУРОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент вилояти бўйича Вакили Ратно ТУРДИБОЕВА, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси раиси

Техникумларда кадрлар тайёрлаш халқаро таснифлағичнинг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини таъминлаган, камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган, гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда икки йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилиши белгиланди. Энди ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли таъминлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бақлавариат таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз, яъна тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади.

Қозирги касб-хунар коллежлари ёпиладими?

Ўзбекистонда касб-хунар коллежларида таълим тизими ўзгариши бу айни дамда фаолият юритаётган коллежларнинг "ёписига ёпилади", дегани эмас. Ўзбекистон Президентининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қароридан коллежлар вазирликлари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар ҳамда иш берувчи корхоналар ва ташкилотларга бириктирилиши белгиланган бўлиши мумкин.

Профессионал таълим қандай бўлади?

Профессионал стандарт маъноси шуки, дейлик, битта иш ўрни ишчида қандай малака ва кўникмаларни талаб қилади, ушбу ҳолат ўрганилиб, шу асосда моддули ўқув режалари пайдо бўлади. Таълим жараёни эса доимий равишда такомиллаштирилиб борилади. Бундан мақсад, касб-хунар таълими тизими иқтисодиёт ривожланишининг муҳим компонентига айланади. Яъни, юқори малакали ишчи, касб эгалари, иқтисодиётнинг ўрта бўғини мутахассислари тайёрланади. Айни дамда иқтисодиётда беш миндан зиёд касб ва мутахассисликлар учун касб таълими бўйича маълумот талаб этилади.

6 ойдан 2 йилгача бўлган таълим тизими

Яқин истиқболда профессионал стандарт, миллий квалификация рамкалари халқаро квалификация рамкаси (Давом. Бошланғич 1-саҳифада)

каларига мос равишда ишлаб чиқилади. Бу дегани, коллежларда жаҳон меҳнат бозорига рақобатбардор кадрлар тайёрланиши йўлга қўйилади. Касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан, ўқувчилар эгаллаши керак бўлган билим, малака, кўникма ва компетенциялар ҳажмидан келиб чиқиб, дифференциаллашган 6 ойдан 2

қолиш хавфи остидаги ихтиёр ёшдаги фуқаролар ҳам таҳсил олишлари мумкин бўлади. Ҳозиргача коллежлар фақат кундузги таълим шаклига эга эди. Эндиликда коллежларда кундузгидан ташқари сиртки, масофавий ва уйғунлаштирилган таълим йўналишлари йўлга қўйилади. Шунингдек, ўқиш муддати касбларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб

ғилай оладиган, таълим олиш жараёнида унга ҳамроҳлик қиладиган "ўқитувчи-андрагог"лар эгаллаиди. Уларнинг маҳорати ва салоҳиятини ошириш мақсадида янгитдан ташкил этилган инновацион ривожлантириш институтида махсус мақсадли ўқув курслари, семинар-тренинглр, масофавий ҳамда онлайн курслар ташкил этилади.

МАЪЛУМОТИНГИЗ "ЎРТА МАХСУС"МИ?



Долзарб мавзу

Таълим пулли бўладими?

Бу таълим дастурлари тоифаларига боғлиқ бўлади: 50 дан ортиқ касбларга тайёрлаш таълим дастурлари 10-11-синфларда таълим олиш давомида ўргатилади ва тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Юқори технология тайёрлаш талаб қиладиган 6 ойдан 1 йилгача бўлган касбий таълим дастурлари буюртмачи иш берувчи корхоналар, идора ва ташкилотлар томонидан молиялаштирилади. Буюртмачиси бўлмаган шахслар ўзларининг шахсий жамғармалари ҳисобидан тўловни амалга ошириши мумкин. 1,5-2 йиллик мутахассисликни эгаллаш бўйича ўрта махсус ўрта бўғин таълим дастурлари олий таълимга муқобиллик асосида бир қисми грант ҳисобидан, бир қисми контракт ҳисобидан амалга оширилади.

Абдуракул ЗОКИРОВ, Вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи:

Бугун башариат чинакам оғир ва машаққатли синов даврини бошидан кечираётган бир пайтда Президентимизнинг "Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори айни муддао бўлди. Қарорга мувофиқ, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги 47 та тиббиёт коллежи негизида Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ташкил этиладиган бўлди. Шундай техникумлардан 4 таси Тошкент вилоятида ўз эшикларини очди. Уларда етакчи тиббиёт олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчилари масофавий

Жараён қандай кечади?

Эндиликда коллежларда қаттиққўл "мени айтганим бўлади" дейдиган педагоглар ўрнини инсоннинг ёшига қараб, унинг салоҳиятини бел-

Мутахассис фикри

Таълим орқали дарс машғулоти ўтишади. Нафақат тиббиёт, балки профессионал малакали кадрлар тайёрлашнинг бошқа йўналишларида турулишлар кутилмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мувофиқ, ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли таъминлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бақлавариат таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз яққол таълим муассасаларида иккинчи курсдан ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлиши қайд этилган. Вилоят касб-хунар таълими бошқармаси Ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди

Хабарингиз бор, ўтган йили Хотира ва Қадрлаш куни байрамида Президентимиз томонидан "Ўзбекино" миллий агентлигига Зулфия ая Зокированын матонатни, унинг ўғиллари кўрсатган жасорат ва келинларининг садоқати тўғрисида фильм яратиш ғояси берилган эди. Бу йилги байрам кунлари ёш режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов сурат-

га олган "Илҳақ" бадий фильми республикамиздаги барча телеканаллар орқали намойиш этилди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, халқимиз ҳаётининг уруш йилларидаги энг оғир, энг фожиали даврига бағишланган бу асар юртдошларимизда катта таассурот қолдирди. Буни куйидаги фикрлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Премьера таассуротлари

қилади. Аслида фильмнинг муваффақияти ҳам шунда. Ижодкорлар уруш даврида халқимиз бошига тушган қийинчиликларни, оддий ўзбек оиласи мисолида, ўша давр манзаралари ва олисдаги дахшатли жанг тасвирларини боғлаб, қахрамонларнинг характерларини тўлақонли ва ишончли акс эттириш билан эришилган. Шу ўринда матонатли ўзбек аёли Зулфия ая Зокирова образини таниқли актриса Дилором Каримова катта маҳорат билан ифодалаб бергани киносинг бадий қийматини оширган.

Шунингдек, ўғиллари ва турмуш ўртоқларини урушга кузатиб, қора хат олган муштилар оналар бардоши, ёшгина тул келинчақларнинг адоқсиз ҳаракат асоси, инсоний меҳри, вафо ва садоқат, Ватанга муҳаббат билан муштарак иштирокида ташкил этиладиган саҳна кўринишидаги тадбирлардан юз чандон фойдаланибди.

Фильм сюжетини аниқ воқеалар асосига қурилган, унинг қахрамонлари ҳаётда яшаб ўтган одамлар. Ҳаёт ҳақиқати фильмнинг бадий тақиниға маҳорат билан сингдириб юборилганки, кимдир буни уруш ҳақидаги ҳужжатли фильм сифатида, кимдир уруш ҳақидаги ҳаққоний бадий асар сифатида қабул

қилади. Аслида фильмнинг муваффақияти ҳам шунда. Ижодкорлар уруш даврида халқимиз бошига тушган қийинчиликларни, оддий ўзбек оиласи мисолида, ўша давр манзаралари ва олисдаги дахшатли жанг тасвирларини боғлаб, қахрамонларнинг характерларини тўлақонли ва ишончли акс эттириш билан эришилган. Шу ўринда матонатли ўзбек аёли Зулфия ая Зокирова образини таниқли актриса Дилором Каримова катта маҳорат билан ифодалаб бергани киносинг бадий қийматини оширган.

Шунингдек, ўғиллари ва турмуш ўртоқларини урушга кузатиб, қора хат олган муштилар оналар бардоши, ёшгина тул келинчақларнинг адоқсиз ҳаракат асоси, инсоний меҳри, вафо ва садоқат, Ватанга муҳаббат билан муштарак иштирокида ташкил этиладиган саҳна кўринишидаги тадбирлардан юз чандон фойдаланибди.

Бу фикрлар оддий томошабиннинг дилидаги гаплар. "Илҳақ" фильмининг тўлақонли баҳолаш мутахассисларнинг иши, албатта. Аммо шуниси аёнки, ёшларимиз Ватанимиз тарихини, халқимизнинг оғир уруш йилларидаги ҳаёти ва қахрамонликларини билишлари ҳамда уларда ватанпарварлик туйғуларини ўстириш учун шундай кино жуда зарур эди.

Орзиқул МАЪМУРОВ, меҳнат фахрийси:

"Илҳақ" бадий фильмининг фарзандларим, набираларим иштирокида ҳаяжон билан томоша қилдим. Чунки, машум уруш даврининг қийинчиликлари бизнинг оиламизни ҳам четлаб ўтмаган. Урушга кетган икки амакимининг бири ҳалок бўлган, иккинчиси ногирон бўлиб қайтган.

Шунинг учун ҳам дахшатли уруш туйғули бешовлон ўғлидан айрилиб, умрининг охиригача фарзандларини илҳақ бўлиб кутган Зулфия Зокирова сиймосида бутун ўзбек оналари, хусусан, ўз буювжонимни кўргандек бўлдим. Бувимиз Пирмат амакимининг ногирон бўлса, омон қайтганига шукр қилиб, "Шерматимнинг дийдорини

Дониёр РАШИДОВ, хизматчи:

– Кўпчилик қатори мен ҳам бу ажойиб фильмин катта қизиқиш билан томоша қилдим. Халқимиз ҳаётининг энг оғир, энг фожиали даврига бағишланган бу асар том маънода қахрамонлик қасидаси бўлиб, ҳар қандай одамнинг қалбини ларзага солади.

Шафқатсиз уруш туйғули беш нафар баҳодир ўғлидан айрилган Зулфия Зокирова сиймосида ўзбек оналаригагина мансуб энг буюк фазилатлар ниҳоятда теран ифодаланган. Фильм ижодкорлари, айниқса, бош роль ижрочисига тан бердим.

Ўзим Хонобод қишлоғиданман. Биз ўқиган даврда Зулфия Зокирова номи билан аталган мактабда таҳсил олганман. Қувонарлиси, "Илҳақ" фильмининг суратта олган Жаҳонгир Аҳмедов ҳам Хонобод фарзанди. Биз болалигимизда бу оила ва унинг

Эълонлар

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Давлат статистика қўмитаси тасдиқлаган рўйхат бўйича юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари раҳбарлари ва ҳисобчилари 1-Н shakli (йилда бир марта апрель ойи учун) (ҳодимларнинг лавозимлари ва касблари бўйича иш ҳақи тўғрисида 2020 йил апрель ойи ҳисоботи)ни 2020 йил 29 майдан кечиктирмай eStat 3.0 автоматлаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан огоҳлантириб ўтаимиз.

Маълумот учун телефон: 71 230-86-78, 71 230-86-79. Электрон почта манзили: info@tohshtatstat.uz

"Олмазор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" Давлат корхонаси томонидан Олмазор тумани, Себзор Ц 17/18 мавзеси, 34-уй, 39-хонадон учун Бердиклиев Мардан Жаҳангирович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Олмазор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" Давлат корхонаси томонидан Олмазор тумани, Себзор Ц 17/18 мавзеси, 34-уй, 38-хонадон учун Бекиева Анажон номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бизга шундай ФИЛЬМЛАР КЕРАК

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, журналист:

– "Илҳақ" фильми болалик йилларимдаги кўрган киноларимни хотирамда қайта жонлантирди. Болалиғи ўтган асрнинг ўрталарига тўғри келган менинг тенгқурларим шу мавзудаги фильмларни кўриб улғайишган.

Бизнинг давримизда энг қизиқ кино уруш ҳақидагилари эди. Телевизор ривожланмаган, интернет йўқ ўтган асрнинг ўрталарида қишлоққа кино келса, кўпчилик: "Уруш ҳақида эканми?" деб сўради. Кинодаги воқеаларга тақлид "уруш-уруш" уйнаб, қахрамонларга ҳавас билан улғай-




ганмиз. Тезроқ катта бўлиб, ҳарбий хизматга боришни интиқиб куттишимизга ҳам кўрган жанговар фильмларимиз сабаб бўлган.

Очиги, Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳали тарих китобларида ҳам, адабиётимиз ва санъатимизда ҳам тўлиқ акс эттирилмаган мавзу. Шу ўринда Президентимизнинг тақлифи билан Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида беш ўғли урушда ҳалок бўлган Зулфия ая Зокирова оиласи ҳақида "Ўзбекино" миллий агентлиги томонидан яратилган "Илҳақ" бадий фильми бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлди.

"Илҳақ" фильмида халқимизнинг урушдаги иштироки

ҳақидаги воқеани бадий акс эттириш билан бугунги авлодга ватанпарварлик қандай бўлиши, унинг илдизи қаердан бошлангани кўрсатиб берилган. Жўнроқ қилиб айтганда, ушбу фильм урушга қарши ҳар қандай узундан узун маърузалар, минглаб одамлар иштирокида ташкил этиладиган саҳна кўринишидаги тадбирлардан юз чандон фойдаланибди.

Фильм сюжетини аниқ воқеалар асосига қурилган, унинг қахрамонлари ҳаётда яшаб ўтган одамлар. Ҳаёт ҳақиқати фильмнинг бадий тақиниға маҳорат билан сингдириб юборилганки, кимдир буни уруш ҳақидаги ҳужжатли фильм сифатида, кимдир уруш ҳақидаги ҳаққоний бадий асар сифатида қабул



Ички туризм



Юртимизда, шу жумладан, вилоятимизда ҳам туризм йилдан-йилга жуда тез суръатлар билан ривожланиётган эди. Биргина 2019 йилда амалга оширилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, соҳага 626 млрд. сўмлик инвестициялар, шундан 21,6 млн. АҚШ долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди. Сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва уларга қулай шароитлар яратиш мақсадида ўтган йили 12 та меҳмонхона, 3 та санаторий, 1 та дам олиш маскани, 2 та хостел, 1 та тоғ чанги курорти ва 1 та кишлоқ хўжалик маҳсулотларини намойиш қилиш маркази каби жами 20 та объект қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотларнинг ишга тушиши натижасида 916 та янги иш ўрни яратилди. Бундан

(Давоми. Бошланғич 1-сахифада)



ташқари, 21 та туристик хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари (турфирма) ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 46 тага етказилди.

2019 йил январь-декабрь ойлари оралиғида вилоятимизга жами 3,9 млн. нафар сайёҳ, шундан ўрта ҳисобда 305 минг хорижий сайёҳ таъриф буюрди. Бу сайёҳлар оқими 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга ўсганини кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2020 йилда вилоятимизда сайёҳлар оқимини 4,2 млн., 2021 йилда эса 4,5 млн. нафарга етказиш режалаштирилганди.

— Жорий йилда олдимизга улкан мақсадларни қўйган эдик, — дейди вилоят туризмининг ривожлантириш департаменти директори ўринбосари Маъруф Баракаев. — Аммо, कोरोनाвирус пандемияси сабабли ҳозирча режаларимизни амалга оширишга имкон бўлмапти. Очиги, туризм йўналишида фаолият юритадиган тадбиркорлар жиддий зарар кўраётди. Ачинарлиси, минглаб иш ўринларини қисқартиришга тўғри келмоқда. Хорижий туристлар таърифнинг чекланиши юртимизга валоғига кириб келишини ҳам камайтирди. Лекин, биз бу вазиятдан чиқиш учун зарур чораларни кўраётимиз. Ҳозирда ички туризмга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Жумладан, шу кунларда 300 та оилавий меҳмон уйлари очиш режаси устида ишляёмиз. Шу йўналишда ишляётган тадбиркорларни рағбатлантириш учун кредитлар ажратилмоқда.

Албатта, бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Вазият барқарорлашиб, чегаралар очилгач, сайёҳлик соҳаси янада гурқираб кетишига шубҳа йўқ.

Зухриддин РАҲМОНОВ
/ Тошкент ҳақиқати /

савдогарчилик қиларди. Олти ойда бир кўриниш бермасди. Унинг назарида, ҳали онаси ўлмайдигандек туюларди. Кўнгирақлашган чоғида уйдаги нотинч, танг аҳволни айтишса ҳам, изига қайтмаганди. Онаси кўзлари йўлга қадалганча бандаликни бажо келтирди.

«Тирикчилигида кўлим билан бир пиёла чой тутмабман-а», — деб афсус-надомат чекиб юрган ўғил ногаҳонда аравача тортиқлаган Маҳкамжонга рўпара келди. Юрагини беҳос-беҳос чангаллаётган ўша афсус бирдан чўғ бўлиб, сўнг алангага айланди. Бутун вужуди шамдек эриди, ҳалимдек юмшади. Илк бор эркак бўлиб кўзига ёш олди.

Ўша-ўша маҳалладоши, аравача эгаси Маҳкамжонга меҳр кўзи билан қарайди. Ҳеч нарсага зорикмаётган, томорқасига экин-тикин қилиб баҳоли қудрат тирикчилик ўтказётган маҳалладошига бирор сабаб топиб, ул-бул илиниб ҳам туради. Ўз онасига қилолмаган савоатни аравачада ҳали ҳаёт, аммо бир бурда бўлиб ўтирган онахонга қилгиси келиб қолади. Лекин, онасини нанкин аравачада, кипригининг устида олиб юрган Маҳкамжонга буни ошкор қилолмайди.

«Эҳ, онахон, — Соливоининг томоғига бир нима тикилгандек бўлади. — Нега ҳаётлик пайтингизда қадрингизга етолмадим-а, жилла курса, Маҳкамжонга ўхшаб аравачага солиб, шаҳарма-шаҳар сайр қилдимиз-а...»

Тилининг ялтқолиниб ҳиринглашидан Соливоининг хаёли бўлинди. Олислаб бораётган аравачадан кўзини узиб, чорпоёда қорини ушлаб, махсаромуз қулаётган даврадошларига бир-бир тикилади. «Булар ўзи одамми, шуларни ҳам она туққанми? Мен ўзи қачондан буён бу одам қиёфасидаги шайтонларга улфат бўлиб қолдим?» — деб ўйлайди.

Эрмат эса тинимсиз ҳиринглайди: — Нима бало, Соли, иликкан итдек маҳалладошинг ортидан тикилиб қолдинг?

Соливоий ўзини тутиб туролмади, хонтахта ни ўрнидан туриб тепдимикан, ё ўтирган жойида оёғи билан итариб юбордим, билмади. Хонтахта чорпоё четига эрматнинг ҳўжиздек семиз гавдаси билан қўшилиб, пастга кулади.

— Ҳой, Соли ака, сизни жин чалдим, нима қиласиз? Ҳе йўқ, бе йўқ...

Унинг гапи оғзида қолди. Қулоқ-чаккаси аралаш тушган шапалоқдан юзубан йиқилди.

Суннат ҳали емаган калтак зарбини аввалдан ҳис этгандек навбатини кутиб, икки юзини кўллари билан ёпганча мўлтиради.

— Сенлар билан улфатчилик туғди... Соливоий шу чойхона остонасига тикан босганча, аравача кетган томон хотиржам одимлаб кетди...

Собиржон ИНОМОВ

АРАВАЧАДАГИ АЁЛ

(Ҳикоя)




сергак тортиб, яна бир неча соатга татиғулик гийбат бошланишидан умидвор ҳолда кўчага олазарак тикилишди. Аравача одатдагидек муюлишга яқинлашаётган бўлади.

— Хой, Соливоий, қара, аравача келяпти. Шулар маҳалламдан девдинг, шекилли, бу овсар бола тоза меъдага тегдику, а. Бир қоп картошка ортиб юрса дуруст эди...

Соливоий ёнбошидан ёстиқни нари суриб, шериғи Эрматга ўқрайганча қарайди. Нафисламрини айтганда, у йигитни танийди. Мўъжаз аравачада туққан, воёга етказган онаси эканлигини билади, бироқ тиш ёрмайди. Чунки, бир

кўзингизни юмиб олинг, арава ўтади-кетдида.

Биргина Соливоий ич-этини сийқондай кемираётган, ўзи ҳам англаб етмайдиган хўрликка ўхшаб изтиробдан ерга симғиб кетгудек эзилади. Оёқ-қўллари шол, боз устига тилдан ҳам қолган, юрولмайдиган онасини еру-қўкка ишонмай, аравачада олиб юрган йигитга — маҳалладоши Маҳкамжонга чин дилдан ҳаваси келади. Бу ҳавас унинг юрагида қачон пайдо бўлганини эслай олмайди. Аммо, негадир онасини тез-тез эслайдиган бўлиб қолган. Волидасининг кўзлари жавдираб зорланишларига қарамай, бир пайтлар йиллар бўйи шаҳарма-шаҳар юриб



Пискентлик истеъдодли ижодкор, фахрий журналист, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Собиржон Иномов шу кунларда ўзининг қутлуғ 70 ёшини қарши олмақда. Наер ихлосмандларига ранг-баранг қисса ва ҳикоялари, қатор китоблари билан яхши таниш бўлган Собиржон ака газетамизнинг ҳам фаол муаллифларидандир.

Устоз ҳамкасбимизни қутлуғ ёши билан қутлаб, янги ҳикояларидан бирини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

...У балки онасидир, балки жигаридир. Қусури борки, юрөлмаса керак...

Бозор-ўчарга мўлжалланган икки гилдиракли, тўхтаганда юк оғмаслиги учун, олдида тушириб қўйиладиган яна бир оёқчаси бор, ҳамма ёғи кулранг бўёқда бўялган аравача ҳамма ёғи ўралган аёлга бинойи уллов вазифасини бажаради. Эгнидаги кийимлари одми, бошидаги дўппи офтобу ёгин-сочиндан тусини йўқотган, оёғидаги чориқнинг ости юпқа тортиб, оғзи очилиб қолган, ёшига нисбатан қаримсиқ кўринадиган йигит ён-атрофга назар ташламай, аравача тутиқчидан итарганча шаҳар томон кетиб боради.

Ҳар икки-уч кунда бир кўринадиган аравача шаҳарча марказидаги ошхоналарнинг бири олдида, сояси куюқ дарахт остида тўхтайди. Учинчи оёқча ерга тиркалади. Йигит индамай, гўшт хидини тутун аралаш тарқатиб савдо қилаётган кабобпаздан бир сих кабобни ярим бўлак нон устига қўйдириб олади. Аравачадаги аёлга интиқ кўз тикади. Аёл ҳар галгидек хўшламаётганини билдириб, юзини уёқ-бўёққа буради. Бундай инжиқликларга кўнканан йигит сихдан жаз олиб, аёлнинг оғзига туттади. Аёл аввал ўзинг е, дегандек ишора қилади. Шундангина йигит сирка сепилган пиёз билан бир тишлам нонни оғзига солади.

Бу ғайриодатий манзарага шаҳардаги ошпазлар кўникиб қолишган. Бош ирғаб салом-алик қилиб қўйишдан нарига ўтишмайди. Доим шошиб кириб чиқадиган хўрандалар эса бу манзарага парво ҳам қилмайди. Тезроқ қорин тўйғазиш қайғусида бўлишди. Йигит ҳар гал ҳамроҳига кабобми, янги пишган товухми, норинми, хуллас, тансиқ таом илинади. Шаҳарнинг хўшманзара кўчаларида сайр қилдиради.

Шаҳардан чиқаришдаги муюлишда чойхона бор. У ерда ҳаёт қайнайди. Шаҳардаги барча бекорчилар келишиб олгандек шу ерга жам

▼ Моҳият

Ҳамма гап самимийтада



• Комедия суратга олиш учун менга парк, полициячи ва битта чиройли қиз кифоя қилади.

• Мен сийқаси чиққан мавзудан кўрқмайман. Ҳаётнинг ўзи тўласича сийқалик. Ахир, ҳар биримиз яшаймиз ва ўламиз, бир кунда уч маҳал овқатланамиз, севамиз ва севмай қўямиз.

• Ҳаётдаги энг қайғули ҳол — ҳашаматга ўрганиб қолишдан.

• Ҳеч қачон бола бўлмаганлар катта ҳам бўлмайдилар.

• Ҳамиша ерга қараб юрадиган одам камалакни кўролмайди.

• Табассумсиз кун — йўқотилган кун.

• Ақл мени хавотирга солиши, ҳатто касал қилиб қўйиши мумкин. Бироқ, уни юрагим билан уйғунлаштира олсам, у ўша заҳотиёқ менинг бебаҳо иттифоқимга айланади.

• Ҳамма гап самимийтада. Чол банан пўноғига сирпанниб йиқилиб тушди — бунга қулмаймиз. Лекин, бу ҳолат такаббур ва бой жентльмен билан содир бўлса, мириқиб хаҳолаймиз.

• Менинг оғригим кимнингдир кулгисига сабаб бўлиши мумкин, лекин менинг кулгим кимнингдир оғриғига сабаб бўлмаслиги керак.

• Ойна — менинг энг яхши дўстим. Чунки, йиғлаган пайтим у ҳеч қачон кулмайди.

Чарли ЧАПЛИН

Илмда «онг ости тафаккури» деган тушунча бор. Бизнинг онг ости тафаккуримиз она тилимиз — ўзбек тилида ишлайди. Онг ости тафаккуридаги ҳамма нарса — туш, хаёл, ички сезги;

ҳис-туғйу ва ҳоказоларнинг ҳаммаси ўзбекчада. Гарчанд бошқа тилда нутқ ирод этсакда, онг ости тафаккуримиздаги ўзбекча ўй-фикрларнинг таржимасини ташқарилатган бўламиз.

Расмий ҳужжатлар ҳам шундай ҳаракатланиши керак: у рус тилида бўлсин, хитойча ё япончада бўлсин, боринки, олмон тилида бўлсин, бироқ унинг илк кўриниши давлатнинг она

кодекснинг 42-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилади. Яъни, давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя эт-

давлат идораларида рус ё бошқа чет тилидан фойдаланганлик учун эмас, давлат тилида иш юритилмаганлиги учун жарима белгиланиши ҳақида сўз бораёпти.

Россия Федерал Қонунининг 3-моддасига мувофиқ фақат давлат ташкилотларида эмас, балки мулкчилик шаклидан қатъи назар, Россиядаги барча ташкилотлар давлат тили — рус тилида иш юритиши шарт. Бу меъёр ташкилотни номлашга ҳам тааллуқли.

Грузиянинг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, барча давлат идораларида ишчи тил

Ўйлаб кўринг!

мувожаатлар немис тилидан бўлак тилда бўлса, шу заҳоти немисчага ўйрилиши шарт. Масъул идораларда фақатгина немис тилидаги мувожаатлар кўриб чиқилади. Польшада ҳам расмий иш юритиш фақат поляк тилида, Францияда эса фақат фаранг тилида.

Хўш, аслида гап нимадар? Нима учун биз шунчалар жон қойтатаямиз? Нима учун барча элу элатлар она тилларини давлат тили деб эътироф этган ва унда иш юритилишини таъминлайди? Нема? Нима учун?

Гап шундаки, тил — бизнинг ўзлигимиз! Тил — бизнинг кимлигимиз! Тил — бизни бобо-момомизга боғлаб турган томиримиз! Тил — бизнинг ота-онамиз! Отамизнинг ҳам, онамизнинг ҳам хурматини ўрнида сақлашга мажбуримиз!

Бу бировдан сўраб, бировнинг қош-қовоғига қараб қилинадиган иш эмас, ахир!

Шу ўринда шеърятни абадий орабала юрган Шавкат Раҳмоннинг "Хиргой"си тилга кўчади:

Нега сиз бўлмайсиз сира хижолат, нега мен сўрайман сиздан ижозат? Отабек ИСРОИЛОВ

"НЕГА СИЗ БЎЛМАЙСИЗ СИРА ХИЖОЛАТ..."

тили — расмий тилда бўлиши шарт! Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида Адлия вазирлиги томонидан янги қонун лойиҳаси жойлаштирилгани кўп муҳокамаларга сабаб бўлди.

Гап «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида кетаяпти. Агар қонун Парламентда маъқулланса ва Президент томонидан имзоланса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

маган мансабдор шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача (айни кунда 446 минг сўмдан 1 миллион 115 минг сўмгача) миқдорда жаримага тортилади.

Очиги, бунда ҳеч қандай ғалати ҳолат йўқ. Ўзбекистон ўз ҳудудидаги идораларда давлат тилида иш юритилишига эришмоқчи. Аммо, шундай вазиятда айрим рус пропаганда сайтлари масалани атай чувалаштириб эътирозлар келтириб чиқармоқда.

Бир нарсани тўғри тушуниш ва тўғри қабул қилиш керак: лойиҳада Ўзбекистон Республикасида



Аслини олганда, бу каби ҳолатлар янгилик эмас. Кўплаб мамлакатларнинг давлат тили ҳақидаги ҳуқуқий ҳужжатларида идораларда давлат тилидан фойдаланиш мажбурийлиги белгиланган. Хусусан, «Давлат тили тўғрисида»ги

— давлат тилидир. Айрим ҳолларда зарурат туғилган тақдирда ҳужжатлар бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин, бироқ ҳужжатларнинг таржима нусхалари тан олинмайди.

Германияда расмий тил — немис тили. Мабодо,

ЛУКМА Оҳангаронликлар ўз ҳудудлари билан фахрланадилар, лекин бу ердаги айрим жой номлари шохӣ сўзанага солинган бўз ямоқни эслатади. Географик объектлар номлари давлат реестри базасидаги маълумотларга кўра, Оҳангарон туманида миллий маънавиятимизга мос келмайдиган жой номлари ҳам анчагина.

Луқма

Қоратўлки, Салимқалта, Серқарирлиди, Учайрилиш — булар аҳоли пунктлари номи; Ахтаҳонасой, Кампирўлди, Қоютда, Қўйгансой, Қўрбақа, Сичқонбой, Сичқонсой, Самолёتبўзилган — булар сой ва адирликлар номи.

"СИҚОНБОЙ"ДА БЎЛГАНМИСИЗ, "КАМПИРЎЛДИ"ДА-ЧИ?

Географик объектларда бир хил номларнинг такрорланиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бирлик аҳоли пункти Бирлик қишлоғида ҳам, Қорахитой қишлоғида ҳам бор. Худди шунингдек, Қўрғон аҳоли пункти 2 марта, Оқтепа аҳоли пункти 2 марта, Янгиқишлоқ

аҳоли пункти номи — 3 марта, тагин Янгибод аҳоли пункти 2 марта такрорланган. Оҳангарон туманида 2 та қишлоқ, 93 та аҳоли пункти расман тасдиқланмаган. Бу камчиликларни тузатиш вақти келган. Шундай эмасми?

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи — 205. Буюртма Г-543. 12 289 нусхада чоп этилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаҳҳиқ Аллома АЗИЗОВА Навбатчи Равшан БАЙЖАКОВ

Қабулхона: (71) 233-64-95 Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10 Масъул котиб: (71) 233-90-82 Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тохир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. Электрон почта: toshkenthqiqati@gmail.com / th-tp@inbox.ru

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Қоржона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Тўрон кўчаси, 41-ўй.

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6